



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "25" mart

Қ-191 -сон

Termiz sh.

Жарқўрғон тумани "Сурхон" массиви "Мингчинор" маҳалласи ҳудудидан "GREEN HOUSE SURXON" МЧЖга боғдорчилик ва узумчиликни ташкил этиш учун ва енгил конструкцияли "Иссиқхона" қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 23 февралдаги 05-02/142-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2021 йил 21 январдаги 01-05/14-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Жарқўрғон тумани "Сурхон" массиви "Мингчинор" маҳалласи ҳудудидан "GREEN HOUSE SURXON" МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 662, 660қ ва 657-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 42,0 балл бонитетли жами 14,84 гектар, шундан 13,77 гектар бўз ер майдони, 0,27 гектар ариқ ва зовурлар, 0,18 гектар йўллар ва 0,62 гектар бошқа ер майдонлари, шундан боғдорчилик ва узумчиликни ташкил этиш учун 11,14 гектар (30 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ва енгил конструкцияли "Иссиқхона" қуриш учун 3,70 гектар бўз ер майдони вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "GREEN HOUSE SURXON" МЧЖ бошлиғи Х.Бакумовга:

иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурадги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб

берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузурадги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиха-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

6. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов